



ПЕДАГОГ ТАРБИЯЧИЛАРДА КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўролбоева Д.С.

*ЖДПУ Мактабгача таълим методикаси кафедраси
стажёр ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: бўлажак тарбиячи, педагогик фаолият, инновацион янгилик, фаол, ижодкор, муаллифлик ғоялари, педагогик вазият, қобилият, креатив компетентлик, глобаллашув жараёни, технология, методик, инновацион, касб, дидактика, билим, кўникма, малака.

Ключевые слова: будущий педагог, педагогическая деятельность, инновационная инновация, активный, творческий, авторские идеи, педагогическая ситуация, способности, творческая компетентность, процесс глобализации, технология, методический, инновационный, профессия, дидактика, знания, умения, квалификация.

Key words: future teacher, pedagogical activity, innovative innovation, active, creative, author's ideas, pedagogical situation, abilities, creative competence, globalization process, technology, methodological, innovative, profession, didactics, knowledge, skills, qualifications.

Резюме:

Мазкур мақолада бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, бўлажак тарбиячиларнинг янгиликларга бўлган интилиши, уларни ўзлаштириш ва ўзининг педагогик фаолиятида фойдалана олиш жараёнида учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтиш, инновацион янгиликларни ўзининг фаолиятида фаол, ижодкорлик билан қўллай олиш, ўзининг муаллифлик ғояларига эга бўлиш ҳамда турли педагогик вазиятларда ижобий ечимларни эвристик йўл топа олиш қобилиятлари билан боғлиқ бўлган креатив компетентликга эга бўлиш масалалари атрофлича ёритиб берилган.

Резюме:

В статье описаны педагогические возможности развития творческой компетентности будущих педагогов с научно-теоретической точки зрения. В статье также обсуждается стремление будущих педагогов к инновациям, преодолению трудностей в их усвоении и использовании в своей педагогической деятельности, активно и творчески применять инновационные инновации в своей работе, иметь собственные авторские идеи и находить эвристические решения в различных педагогических ситуациях. Подробно освещены вопросы творческой компетентности.

Summary:

The article describes the pedagogical possibilities of developing the creative competence of future teachers from a scientific and theoretical point of view. The article also discusses the desire of future teachers to innovate, overcome difficulties in their assimilation and use in their pedagogical activities, actively and creatively apply innovative innovations in their work, have their own



author's ideas and find heuristic solutions in various pedagogical situations. Issues of creative competence are covered in detail.

Техноген цивилизация, акцелерация ва глобаллашув жараёни давлат ва жамиятнинг ривожланиши илм - фан, техника ва технологиялар соҳасида эришилган ютуқлар, 2030 йилгача мактабгача таълимни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқилиши, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айлантириш, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт - шароитлар яратиш зарурияти олий таълим тизимида фаолият юритаётган илмий кадрлар салоҳияти, уларнинг келажак истиқболлари, ижодкорлиги ва ташуббускорлиги билан боғлиқлигини ижтимоий ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат бугунги кунда таълим ва тарбия ишларининг сифат даражасини кўтариш бирламчи ўринни эгаллайди. Таълимнинг сифатини таъминлашга жуда кўп омиллар ўзининг таъсирини кўрсатади. Булардан бири, бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантириб боришидир. Касб – бу биринчидан, инсоннинг яшаш манбаи бўлса, иккинчидан унинг ўз-ўзини ривожлантириб бориш воситаси ҳисобланади.

Креативлик тарбиячиларда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. У тарбиячининг янгиликларга бўлган интилиши, уларни ўзлаштириш ва ўзининг педагогик фаолиятида фойдалана олиш жараёнида учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтиш, инновацион янгиликларни ўзининг фаолиятида фаол, ижодкорлик билан қўллаш олиш, ўзининг муаллифлик ғояларига эга бўлиш ҳамда турли педагогик вазиятларда ижобий ечимларни эвристик йўл топа олиш қобилиятлари билан боғлиқ бўлган креатив компетентликга эга бўлишни талаб этади. Яъни барча педагоглар ҳам ўзининг педагогик фаолиятида маълум креативлик компетентлик кўрсаткичларига эгадир. Бу уларнинг реал креативлик компетентлиги ҳисобланади. Лекин уни идеал даражасига кўтариш ишлари маълум саъи ҳаракатларни, шарт-шароитларни талаб этади.

Креатив потенциални кўтариш идеал креатив компетентликга эришишнинг илк қадами ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, креативлик потенциал ўзгариб турувчи жараён ҳисобланади. Педагогларнинг ҳам креативлик потенциалини ривожлантириб бориш даврнинг ижтимоий талаби бўлиб бораверади. Чунки педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш жамият тараққиёти билан ҳамнафас тарзда педагоглардан ўз устида



ишлашини, ўзини креатив бойитиб боришини, илм-фаннинг ютуқларидан бохабар бўлиб, уларни ўз фаолиятига сингдириб боришини талаб этади.

Педагогнинг ўз педагогик фаолиятини юксалтиришга доир креатив потенциалини ривожлантириш:

Биринчидан тарбиячининг шахсий эҳтиёжи, мақсади, ниятлари, иродавий сифатлари ҳамда «Мен» концепцияси билан, яъни педагог шахсининг бевосита ўзига боғлиқдир. Бунда педагог онгли равишда:

- ўзининг касбий билимини доимо ошириб бориши;
- ўзининг педагогик тажрибаларини доимо бойитиб бориши;
- ўз соҳасидаги сўнгги инновацион янгиликларни билиши ва уларни ўзининг фаолиятида ўринли ва унумли қўллаш олиши;
- маълумотларни ижодий қайта ишлаш малакаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолият жараёнида болаларнинг ёш, индивидуал ва психологик ўзига хос жиҳатларига мос тарзда иш тутиши;
- новаторлик ҳусусиятларга эга бўлиши муҳим.

Ю.А.Сергиенко билан Т.В.Сунякиналар педагогларнинг креативлигини ошириш билан боғлиқ бўлган фаолият турларини қуйидагича белгилайди. Булар:

- педагогнинг инфорацион фаолияти. Яъни педагог жамиятда, ўз соҳасида бўлаётган янгиликлардан доимо бахабар бўлиб бориши талаб этилади;
- ташкилий-прогнозик фаолият, яъни педагог ўз фаолиятида муваффақиятларга эришиш учун унинг мавжуд аҳволини ҳамда истикболини белгилаш;
- ташкилий фаолият;

Илмий изланишлар ва тадқиқотларимиз жараёнида бир қатор педагог олимларимизнинг мазкур соҳага оид илмий изланишлари тўғрисидаги фикрларини мушоҳада қилдик ва бўлажак тарбиячиларининг креатив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик мазмунини: таълим-тарбия жараёнига дидактик ёндашадиган бўлсак, бу жараённинг асосий компонентлари (таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқитиш методи, ўқитиш воситаси, таълим натижаси) асосида қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

- таълим мақсади билан боғлиқ инновацион таълим интеграцияси;
- таълим мазмуни билан боғлиқ педагогик инновациялар: янги дастур, дастурни такомиллаштирувчи, ўқув материални тўлдирувчи;
- таълим мазмунини лойиҳалашга кўра – меъёрий ҳужжатлар ўзгариши асосида режали, олдиндан ўйланган, ички ва ташқи;
- ўқитиш методи билан боғлиқ педагогик инновацион муҳит;



- олий таълим тизимида ўқув машғулотли шакли ва турида: даражасига кўра такомиллаштириш, кўринишини ўзгартириш, маълум услубиёт элементларини янгича талқинда ишлаб чиқиш;

- ўқитиш воситаси билан боғлиқ таълим мазмуни;

- таълим натижаси билан боғлиқ таълим мазмуни;

Фикримизча, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш дидактик имкониятларини такомиллаштиришда таълим мазмунига мос, шунингдек таълим жараёнининг бошланғич босқичида талаб этилган замонавий креатив компетенцияларга эга бўлган рақобатбардош кадрларни етиштириш шарт - шароитларини тўғри ташкил этиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Педагогик луғатларда креатив компетентлик (инг. «create» яратувчанлик, ижодкорлик). Компетентликнинг бу тури тарбиячининг янгилик яратиш, ижодкорлик ва ташкил этиш сингари кўникмаларга эга бўлиши билан боғлиқ. Креативлик фақатгина янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки шахснинг турмуш тарзи ва маънавиятини юксалтириш учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Креативлик - (лот. «creare»; инг. creativity- «яратиш», «бунёд қилиш») – бу ижодий қобилиятлик даражаси, шахснинг барқарор сифати ҳисобланадиган ижод қилишга бўлган қобилияти бўлиб, у креатив тафаккур билан боғлиқ. Креатив тафаккур – бу шахснинг ўз олдида турган вазифаларини ностандарт ҳал этиш ҳамда ўз мақсадларига эришишнинг янги, янада самаралироқ йўллари топиш қобилиятидир. Яъни креативлик асосан бошқаларга ўхшамаган ғояларни ўйлаб топиш, анъана тусига кириб қолган фикрлашдан қочиш ҳамда муаммоли вазиятларни тез ҳамда самарали ҳал этиш йўллари билиш ҳисобланади. Креативлик инсондаги ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришга асос яратадиган индивидуал сифатларининг ҳамда фикрлаш қобилиятларининг бирлигидан иборат бўлади.

Креативлик термини Англия-Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлиб, бунда креативликнинг интеллект билан боғлиқлиги масалалари ҳамда креативликнинг психологик жиҳатлари ва унинг ҳар бир шахснинг индивидуал ўзига хусусиятларига боғлиқлиги ўрганилган. Масалан, 1950-йилларда Ж.Гилфорд ва унинг тарафдорлари томонидан интеллектуал омилларни таълимий йўналишларда қўллаш, креативлик хусусиятларни ўрганиш ҳамда баҳолаш масалалари таҳлил этилиб, натижада 16 гипотетик интеллектуал қобилиятларни ажратиб кўрсатган.



М.Н.Гнатько эса креативликнинг механизмери бўйича изланишлар олиб борган ва уларни кўйидаги иккита турга ажратган:

- потенциал креативлик - бу креативликнинг зарурий шарти бўлиб, қандай шароит бўлмасин инсоннинг креативликга тайёр туриши, шунинг натижасида ўз ғояларини амалга оширишидир.

- фаолиятдаги креативлик – бу муайян бир соҳадаги креативлик ҳисобланади.

Ж.Гилфорд креативликнинг белгиларини аниқлаган бўлса, М.Н.Гнатько эса креативликнинг компонентларини умумлаштирган.

Бу эса, бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш жараёнида ҳар бир педагог белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўлини танлайди деган илмий ҳулосага келишимизга сабаб бўлади. Масалан анъанавий методлар (Унинг асосида фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади), кўргазмали методлар, акс эттирувчи методлар, китоб билан ишлаш методи, видео методлар.

Бу борада мақсадига кўра методларнинг турларини таҳлил этар эканмиз уларни икки тоифага ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- дидактик мақсади бўйича методларнинг турлари;

- қабул қилиш - билиш фаолияти характери бўйича методларнинг классификацияси.

Бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланишининг дидактик имкониятларини такомиллаштиришда мазкур методлар ўзига хос вазифаларни бажаради яъни: мотивлаштирувчи, ташкиллаштирувчи, ривожлантирувчи, билим берувчи (таълим берувчи), тарбиявий.

Демак, бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришда таълим методларини ҳам мақсадга мувофиқ танлаш ва ўз ўрнида қўллаш талаб этилади. Шунингдек таълим (ўқитиш) воситалари (дидактик воситалар): тарбиячилар ва талабалар томонидан билимларни ўзлаштириш учун қўлланиладиган моддий ва идеал объектлар таълимий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради; иккинчидан тарбиячи ва талаба томонидан таълим жараёнида қўлланиладиган турли объектлари; кўйидагиларни таъминлайдиган жиҳозлар, ёрдамчи таълим воситалари ва ўқув-креатив материаллар:

- ўқув материални намоиш этиш ва визуализациялаш, уни тушуниш ва эслаб қолиш;

- ўқув материални мустақил тарзда мустаҳкамлаш ва қўлаш учун имконият яратади.



Бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришда ривожлантиришда ўқув - методик қўлланмалар, методик тавсиялар, методик ишланмалар, ўқув дастурлари, ўқув режаси, маъруза матнидан оқилона фойдаланиш муҳим педагогик омил бўлиб ҳисобланади. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, яна бир муҳим омил бўлажак тарбиячиларнинг креатив тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари ДТС ва намунавий фан ва ишчи дастурлари талабларига мос келиш даражаси. Бу борада тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижаларининг таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, олий таълим тизимида мактабгача таълим йўналишида бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланишига, яъни тарбиячилар ўртасида компетенциялар тизимини баҳолашда асосий эътиборни креативлик, ижодий тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ компетенцияларга алоҳида эътибор қаратилганлиги аҳамиятлидир. Бу эса, ўз навбатида бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланиш мазмуни, билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талабларида мазкур жиҳатларни алоҳида эътиборга олиш заруратини юзага келтиради.

Шунингдек, бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланишига қўйиладиган талаблар ва таълим конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда мактабгача таълим соҳасидаги бакалаврият йуналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши зарур.

М.Т.Мирсолиеванинг таъкидлашича, бугунги кунда олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги инновацион фаолият муҳитида таълимнинг интеграциясида улардан фақат ўз ижтимоий-маданий вазифасини бажаришнигина талаб қилмай, балки уларни илмий-таълим халқаро марказларига айлантиришни тақозо этади. Олий таълимда таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини интеграция қилишнинг мақсадлари илмий тадқиқотларни кадрлар билан таъминлаш, олий таълим ўқув дастурлари бўйича таълим олувчиларни тайёрлаш сифатини ошириш, таҳсил олувчиларни илмий ходимлар раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб боришга жалб қилиш, таълим фаолиятида фан ва техника соҳасидаги янгиликлар ва ютуқлардан фойдаланишдан иборатдир.

Олиманинг фикрларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, таълимни модернизациялаш шароитида инновация фаолият муҳитини амалга ошириш механизми ва ташкил этишнинг истиқболли технологияси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, инновацион жараённинг муваффақиятли бориши бўлажак тарбиячиларнинг креатив



компетентлигини ривожланишига бевосита боғлиқ. Биламизки, таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик, ғоя, фикр, инновация бўла олмайди. Бунинг учун ислохот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва қўлами асос бўлиб хизмат қилади. Бўлажак тарбиячиларнинг креатив компетентлигини ривожланиш технологияси бевосита инновация асосида амалга оширилади, яъни методлар янгиланади, тизимли ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ - 3955-сонли Қарорига 3-илова 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.06.2018 й. ПҚ-3775 Қарори.
3. Мирсолиева М.Т Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш : Пед.фанл.доктори. ... дисс. автореф. – Т.: 2019. – 24 б.